

ПАХТА ХОМ АШЁСИДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА БЎЛГАН ЗАНЖИРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ

Бугун Учкўприк туман ҳокимлиги ахборот хизмати ташаббуси билан республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар иштирокида “Fergana global textile” пахта-тўқимачилик кластерига пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб журналистлар мамлакатимиздаги етакчи тўқимачилик компанияларидан бири – “Fergana global textile” МЧЖнинг Фарғона шаҳридаги корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш линиялари, мато тўқиши ва бўяш цехлари, лабораториялар, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Корхона раҳбари Отабек Нишонов ўз тақдимотида компания 2017 йилда ташкил этилгани ва ҳозирга келиб 6500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилгани ҳақида маълумот берди. Пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжири тўла йўлга қўйилгани таъкидланди.

Ишлаб чиқариш қувватлари Швейцария, Германия, Буюк Британия, Истроил ва Туркия каби хорижий давлатларнинг энг янги рақамли технологиялари билан жиҳозланган. Қўштепа ва Учкўприк туманларида 12 900 гектардан зиёд майдонда пахта етиштирилмоқда. Италия, Германия, Австрия, Польша, Туркия, Хитой каби давлатларга ишлаб чиқарилган маҳсулот экспорти йўлга қўйилган.

Пресс-тур қатнашчилари Қўштепа туманидаги лойиҳа қиймати 120 миллион евро бўлган, қарийб 3000 та иш ўрнига эга йирик текстил-тўқимачилик корхонаси қурилиши жараёнлари билан ҳам танишдилар.

Туманда Истроилнинг Netafim компанияси билан биргаликда 213 гектар майдонда амалга тадбиқ этилган томчилатиб суғориш тизими кўздан кечирилди. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси билан амалга оширилган ушбу лойиҳа, сув доим танқис, тупроғи қумлоқ бўлган ушбу майдонда аввалги гектаридан 10-12 центнер ҳосил ўрнига 45 центнергача пахта олиш имконини яратди.

Учкўприк туманида эса янги фойдаланишга топширилган пахта қабул қилиш маскани, дашт ва чўл ҳудуддаги қаровсиз ётган майдонда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Шу ерда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳалла нуронийлари, журналист ва блогерлар иштирокида дараҳт кўчатлари ҳам экилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-25 21:37:59